ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ҚАРОРИ

2020 йил «29» декабрь 84-18/06 -сонли Қарши шаҳри

Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йилги асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ 2021 йилда Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларини, шу жумладан ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларига ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорларини белгилаш ҳамда бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш мақсадида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (Кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Қашқадарё вилояти (Кейинги ўринларда Вилоят деб аталади) маҳаллий бюджетининг даромадлари **1372.5 млрд. сўм** ва харажатлари **1955.5 млрд. сўм** миқдорида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоятнинг 2021 йил учун бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

3. Шаҳарлар ва туманларнинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, 2021 йилда юридик ва жисмоний шахслар учун белгиланган ер солиғи базавий ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, шаҳарлар ва туманлар Халқ депутатлари Кенгашлари маҳаллий бюджет прогнозларини инобатга олиб, ушбу қўлланиладиган коэффициентларга нисбатан тегишли ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари

ва солиқ тўловчилари бўйича 0,7 дан 3,0 миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

4. Вилоятнинг вилоят бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратма меьёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят ғазначилик бошқармаси ва унинг бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2021 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадлари ва харажатлари прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2021 йил учун Вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажми **19.4 млрд. сўм** миқдорида, туман ва шаҳарлар белгилансин.

Вилоят ҳамда туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда шакллантирилади. Вилоятнинг вилоят бюджетида ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар молиялаштирилади.

Ҳудудий молия органларига ҳар чорак якуни билан бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларининг ижросини таҳлил қилиш асосида бюджетдан ажратилган тўртинчи гуруҳ харажатлари бўйича паст самарали харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига тегишли маҳаллий бюджетларнинг захира жамғармасини ҳокимликларнинг тегишли қарорларига асосан кўпайтиришга рухсат берилсин.

9. 2020 йил учун вилоят бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар **6,6 млрд. сўм** миқдорда ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Туман ва шаҳар ҳокимликлари, чораклар якуни бўйича

даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига киритиладиган мурожаатида харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан таклифларини киритади.

11. Вилоят ҳокимлиги, Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг мурожаатини тайёрласин.

12. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, расмий веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

14. 2021 йилдан бошлаб иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) улар бўйича дастлаб ҳудудий монополияга қарши курашиш ва нархларни (тарифларни) тартибга солиш органлари хулосаларига кўра, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори билан маъқулланганидан сўнг, вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланиши белгилансин.

Бунда, иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) йил давомида қайта кўриб чиқилиши натижасида иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар томонидан аҳолига пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида вужудга келадиган зарарларни қоплаш учун қўшимча талаб қилинадиган маблағлар вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

15. Вилоят ҳокимлиги тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларининг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларниҳар чорак якуни билан Халқ депутатлари вилоят Кенгашига киритилишини таъминласин.

16. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатилишини таъминласин ва ҳар чорак якуни билан Халқ депутатлари вилоят Кенгашига муҳокамасига киритсин.

17. Вилоят ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари У.Бутаев зиммасига юклатилсин.

19. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги 194/46-5-сонли қарори 2021 йил 1 январь кунидан ўз кучини йўқотган деб топилсин.

20. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Сессия раиси **З.Т.Мирзаев**

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
84-18/06-сонли қарорига
1-илова

Қашқадарё вилояти вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2021 йил прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/р	Даромад турлари	Жами
ЖАМИ		**1 372 472 499,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	125 918 000,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	478 688 520,0
4	Қўшилган қиймат солиғи	0,0
5	Акциз солиғи, жами	56 827 497,0
	шу жумладан:	
6	*- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ*	*56 827 497,0*
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	84 - 18/06 – сон
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	0,0
9	Юридик шахслар ер солиғи	0,0
10	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	0,0
11	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	0,0
12	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,0
13	Давлат божи	72 050 000,0
14	Жарималар	40 610 000,0
15	Ижара тўлови	0,0
16	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	1 944 000,0
17	Йиғимлар	77 713 135,0
18	Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	270 721 300,0
19	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	175 792 600,0
20	Мобиль алоқа хизмати	94 928 700,0

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
84-18/06-сонли қарорига
2-илова

Шаҳар ва туманлар бўйича юридик ва жисмоний шахслар учун белгиланган ер солиғи базавий ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар

Шаҳарлар ва туманлар номи	Юридик шахслар учун ер солиғи ставкаси		Жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаси	
	Коэффицент миқдори	Солиқ суммаси (1 гектар учун, сўмда)	Коэффицент миқдори	Солиқ суммаси (1 кв.м учун, сўмда)
Қарши шаҳар	1,05	28 035 000,0	1,05	257,2
Шахрисабз шаҳар	1,05	28 035 000,0	1,05	257,2
Ғузор тумани	0,85	22 695 000,0	0,72	176,4
Деҳқонобод тумани	0,60	16 020 000,0	0,56	137,2
Қамаши тумани	0,65	17 355 000,0	0,62	151,9
Қарши тумани	0,72	19 224 000,0	0,72	176,4
Косон тумани	0,72	19 224 000,0	0,72	176,4
Китоб тумани	0,72	19 224 000,0	0,72	176,4
Муборак тумани	0,85	22 695 000,0	0,70	171,5
Нишон тумани	0,75	20 025 000,0	0,70	171,5
Касби тумани	0,70	18 690 000,0	0,62	151,9
Чироқчи тумани	0,75	20 025 000,0	0,72	176,4
Шаҳрисабз тумани	0,75	20 025 000,0	0,75	183,7
Яккабоғ тумани	0,75	20 025 000,0	0,75	183,7
Миришкор тумани	0,60	16 020 000,0	0,56	137,2

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилояти Кенгашинин
2020 йил 30 декабрдаги
84-18/06-сонли қарорига
3-илова

2021 йил учун Қашқадарё вилояти вилоят бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**2 836 703 390,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 842 444 733,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**994 258 657,0**
1.	**Халқ таълими бошқармаси**	**106 070 202,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	106 070 202,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
2.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**2 990 586,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 990 586,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
3.	**Ўрта махсус касб ҳунар таълим бошқармаси**	**943 856,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	943 856,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
4.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**396 823 943,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	396 823 943,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
5.	**Маданият бошқармаси**	**37 956 250,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	37 956 250,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
6.	**Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси**	**12 434 139,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	12 434 139,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
7.	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**3 147 955,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 147 955,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

№	Кўрсаткичлар	миқдори
8.	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**2 989 348,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 989 348,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
9.	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**1 102 172 616,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 102 172 616,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
10.	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**16 087 718,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	16 087 718,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
11.	**Транспорт департаменти**	**2 155 056,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 155 056,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
12.	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**23 091 464,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	23 091 464,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
13.	**Инвестициялар бош бошқармаси**	**4 960 454,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 960 454,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
14.	**Туризмни ривожлантириш департаменти**	**434 739,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	434 739,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
15.	**Ветеринария бошқармаси**	**6 003 250,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 003 250,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
16.	**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаси**	**1 422 524,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 422 524,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

№	Кўрсаткичлар	миқдори
17.	**Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг худудий бошқармаси**	**186 834,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	186 834,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
18.	**Меҳнат бош бошқармаси**	**1 555 202,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 555 202,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
19.	**Қурилиш бош бошқармаси**	**2 084 682,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 084 682,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
20.	**Адлия бошқармаси**	**4 059 841,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 059 841,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
21.	**Иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси**	**11 359 485,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11 359 485,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
22.	**Молия бош бошқармаси**	**1 021 396 389,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	27 137 732,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	994 258 657,0
23.	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**6 766 608,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 766 608,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
24.	**Давлат ҳокимият органлари**	**39 663 512,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	39 663 512,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
25.	**Ижтимоий мослашув марказлари**	**90 753,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	90 753,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

№	Кўрсаткичлар	миқдори
26.	**Нуроний жамғармаси**	**94 678,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	94 678,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
27.	**Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**1 139 733,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 139 733,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
28.	**Монополияга қарши курашиш бошқармаси**	**847 216,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	847 216,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
29.	**Автомобил йўллар бошқармаси**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	0,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
30.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Қашқадарё вилояти бошқармаси**	**6 227 678,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 227 678,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
31.	**Давлат архиви бошқармаси**	**2 043 082,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 043 082,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
32.	**Бошқа ташкилотлар**	**19 503 597,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	19 503 597,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	113 042 200,0

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
84-18/06-сонли қарорига 4-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Акциз солиғи: бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Йиғимлар	Ижара тўлови
1	Қарши шаҳри	0	100	0	100	0	100	100	100	0	100
2	Қарши тумани	0	100	100	100	0	0	100	100	100	100
3	Миришкор тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
4	Ғузор тумани	0	100	50	100	100	0	100	100	100	100
5	Деҳқонобод тумани	0	100	100	100	100	0	100	100	100	100
6	Қамаши тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
7	Косон тумани	0	100	80	100	100	100	100	100	100	100
8	Китоб тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
9	Муборак тумани	0	100	20	100	100	0	100	100	100	100
10	Нишон тумани	0	100	80	100	100	0	100	100	100	100
11	Касби тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
12	Чироқчи тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
13	Шаҳрисабз тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
14	Яккабоғ тумани	0	100	50	100	100	100	100	100	100	100
15	Шаҳрисабз шаҳри	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
84-18/06-сонли қарорига
5-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2021 йил даромадлари ва харажатларнинг чегаравий ҳажми

(минг сўм)

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	**1 197 840 801,0**	**2 192 099 458,0**
шундан		
Қарши шаҳри	95 924 711,0	156 939 132,0
Қарши тумани	87 629 291,0	139 839 705,0
Миришкор тумани	52 744 187,0	83 050 491,0
Ғузор тумани	105 344 869,0	148 513 195,0
Деҳқонобод тумани	77 163 144,0	126 472 297,0
Қамаши тумани	74 169 926,0	181 342 123,0
Косон тумани	88 808 937,0	161 470 829,0
Китоб тумани	79 031 806,0	150 700 699,0
Муборак тумани	38 038 752,0	54 388 235,0
Нишон тумани	70 109 021,0	102 372 404,0
Касби тумани	71 334 030,0	127 932 946,0
Чироқчи тумани	123 054 594,0	275 270 243,0
Шаҳрисабз тумани	89 053 227,0	183 171 549,0
Яккабоғ тумани	76 075 894,0	180 724 277,0
Шаҳрисабз шаҳри	69 358 412,0	119 911 333,0

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
84-18/06-сонли қарорига
6-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2021 йилда ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
ЖАМИ	**1 577 273 091,0**
шундан	
Вилоят бюджети	583 014 434,0
Қарши шаҳри	61 014 421,0
Қарши тумани	52 210 414,0
Миришкор тумани	30 306 304,0
Ғузор тумани	43 168 326,0
Деҳқонобод тумани	49 309 153,0
Қамаши тумани	107 172 197,0
Косон тумани	72 661 892,0
Китоб тумани	71 668 893,0
Муборак тумани	16 349 483,0
Нишон тумани	32 263 383,0
Касби тумани	56 598 916,0
Чироқчи тумани	152 215 649,0
Шаҳрисабз тумани	94 118 322,0
Яккабоғ тумани	104 648 383,0
Шаҳрисабз шаҳри	50 552 921,0

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
84-18/06-сонли қарорига
7-илова

2021 йил учун вилоят бюджетида ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
	ЖАМИ	**16 080 056,0**
	шундан	
1	Қарши шаҳри	**1 562 051,0**
2	Қарши тумани	**1 216 266,0**
3	Миришкор тумани	**709 789,0**
4	Ғузор тумани	**1 171 369,0**
5	Деҳқонобод тумани	**904 116,0**
6	Қамаши тумани	**957 976,0**
7	Косон тумани	**1 367 493,0**
8	Китоб тумани	**1 369 974,0**
9	Муборак тумани	**589 585,0**
10	Нишон тумани	**843 871,0**
11	Касби тумани	**847 034,0**
12	Чироқчи тумани	**1 302 273,0**
13	Шаҳрисабз тумани	**1 174 621,0**
14	Яккабоғ тумани	**1 101 394,0**
15	Шаҳрисабз шаҳри	**962 244,0**